ONLINE CONFERENCE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR KAFEDRASI

*Education this is progress!*

AUEZOV UNIVERSITY

# "MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA MADANIY HAYOT VA IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR RIVOJINING DOLZARB MUAMMOLARI"

**Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya**

# КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

**международная научно-практическая конференция**

# "CULTURAL LIFE IN CENTRAL ASIA AND CONTEMPORARY PROBLEMS IN THE DEVELOPMENT OF THE SOCIAL SCIENCES AND HUMANITIES"

**of the international scientific online practical conference**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR KAFEDRASI

# "MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA MADANIY HAYOT VA IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR RIVOJINING DOLZARB MUAMMOLARI"

**Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya**

# КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТЯ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

**международная научно-практическая конференция**

# "CULTURAL LIFE IN CENTRAL ASIA AND CONTEMPORARY PROBLEMS IN THE DEVELOPMENT OF THE SOCIAL SCIENCES AND HUMANITIES"

**of the international scientific online practical conference**

ONLINE CONFERENCE

ТОШКЕНТ
«TAFAKKUR»
2020

**УЎК 908(575.1)(063)**
**26.89(5Ў)я43**
**Ў 43**

"Markaziy osiyo mamlakatlarida madaniy hayot va ijtimoiy-gumanitar fanlar rivojining dolzarb muammolari". Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya [Матн]. – T.: Tafakkur, 2020. – 600 b.

**КБК 26.89(5Ў)я43**

ISBN-978-9943-24-308-8

© «Tafakkur», 2020

## ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕРПУБЛИКАСИНИНГ 1920-1924 ЙИЛЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИ

**НАВРЎЗБЕК РАХИМОВ**
*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети*
*Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Хоразм Халқ Совет Рерпубликаси (ХХСР) тарихининг Совет тарихшунослигида ўрганилишининг дастлабки даври 1920-1924 йиллар тарихшунослиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу давр тарихшунослиги учун материал сифатида хизмат қилган манбалар асосан ўша давр кундалик матбуоти газета ва журналлар, даврий адабиёт, баёнот, ҳисобот ва кундаликлар, воқеа иштирокчиларининг гувоҳликлари, хотиралар бўлиши билан кейинги даврлардан фарқ қилади. Бу йиллардаги манбаларда Хива хонлигининг тугатилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил қилиниши, ва фаолияти, амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу ислоҳотларда советларнинг рўли масалалари ёритилади. Мақолада ушбу масалалар қиёсий таҳлил қилиниб, тарихшунослик нуқтаи назаридан баҳо берилади.*

**Калит сўзлар:** *Хоразм Халқ Совет Республикаси, октябрь тўнтариши, РСФСР, "Вопросы истории КПСС", Туркистон АССР, Хоразм инқилоби.*

**Аннотация:** *первый период изучения истории Хорезмской Народной Советской Республики (ХХСР) в советской историографии имеет особое значение в истории 1920-1924 годов. Источники, послужившие материалом для историографии этого периода, отличаются от последующих периодов главным образом наличием ежедневной прессы того периода газет и журналов, периодической литературы, заявлений, отчетов и дневников, свидетельств участников событий, воспоминаний. В источниках этих лет освещаются вопросы ликвидации Хивинского ханства создания и функционирования Хорезмской Народной Советской Республики, проведенные реформы, роль Советов в этих реформах. В статье дается сравнительный анализ этих вопросов и дается их оценка с точки зрения историографии.*

**Ключевые слова:** *Хорезмская Народная Советская Республика, Октябрьский переворот, РСФСР, «Вопросы истории КПСС», Туркестанская АССР, Хорезмская революция*

ХХСР тарихини ўрганиш аслида ХХ асрнинг 20- йилларда бошланган бўлиб, бу анъана кейинчалик ҳам бир неча босқичларда давом этади. ХХСР даврида бошланган Совет тарихшунослигини шартли равишда тўртта босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси – ҳали куртак ҳолатидаги илк босқич – 1920-1924 йиллар, иккинчи босқич – 1930-1950 йиллар, учинчи босқич 1960-1985 йиллар ва сўнгги босқич – қайта қуриш йиллари (1985-1991) йиллар деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Илк босқичда ХХСР тарихшунослигининг қарийб беш йиллик бир палласини қамраб олиб, бу даврда Совет тарихшунослигининг бошқа даврлари билан умумий ва ўхшашликларга эга бўлиши билан бирга алоҳида ажраб турадиган ўзига хос жиҳатлари ҳам бўлгани кўзга ташланади. Умумий жиҳатлари шундаки, биринчи босқичда ҳам ХХСР тарихшунослигининг бошқа даврларида бўлганидек воқеликларга асосан бирёқлама ёндашилиб, коммунистик мафкурага хос синфийлик нуқтаи назари устуворлик қилади. Ушбу босқичнинг ўзига хос жиҳати эса кейинги босқичларнинг аксариятидан фарқли ўлароқ воқеликлар баён қилинар экан айрим ҳолларда нисбатан реал ёндашувлар бўлгани кўринади. Боиси, бу босқич тарихшунослиги учун материал сифатида хизмат қилган манбалар асосан ўша давр кундалик матбуоти – газета ва журналлар, даврий адабиёт, баёнот, ҳисобот ва кундаликлар, воқеа иштирокчиларининг гувоҳликлари, хотиралар ва ҳоказолардан ташкил топган эди.

Биринчи ва иккинчи босқич ХХСР тарихшунослигининг кейинги босқичлардан бирмунча фарқланишидаги бош омил – сиёсий ва мафкуравий ўзгаришлар билан боғланади. 1920- йилларнинг ўрталаридан то 1930- йилларгача Совет давлатининг шакллантирилиши жараёнидаги сиёсий вазият ва жойлардаги бирмунча "бўшлиқ", 30-50 йиллар орасида сталинча сиёсат ва қатағон йилларидаги Совет мафкураси ХХСР тарихшунослигининг илк босқичларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Дастлабки йилларда нисбатан очиқлик, айрим ҳолларда танқидий ёндашув кўзга ташланса, қатағон йилларида эса бирёқламалик, ХХСР тарихини ёритишда бўлиб ўтган воқеликларни бўрттириб кўрсатиш ёки Ёш хиваликлар ва маърифатпарвар кучларни қоралаш, ХХСР тузилишида иштирок этган шахслардан синфий душман излаш, умуман олганда, маҳаллий аҳоли ўртасида ўз тарихига нисбатан нафрат уйғотиш ёки ўз тарихидан бегоналаштириш сиёсати юритилди. Юқорида айтиб ўтилган нисбатан очиқлик ва танқидий ёндашилган ҳоллар 20- йилларнинг охир-

лари – 30- йилларнинг ўрталарига тўғри келиб, маҳаллий зиёли кадрлар, ХХСРнинг қурилишида бевосита иштирок этган ёки воқеликларни яқиндан кузатган шахслар томонидан ёзилган мақола ва эсдаликларда ўрин олиб, улардан бир қисмида ХХСРнинг қурилиши ва тугатилишига танқидий ёндашувлар ҳам бўлгани кўзга ташланади.

Бу каби ҳолатларга ўша пайтлардаги даврий матбуотда эълон қилинган мақола ва тезисларда дуч келамиз. Аввало, ХХСР даврида, яъни 1920-1924 йилларда чоп этилган қисқа беш йиллик нашрлар билан танишсак, уларнинг номланиши ва кўтарилган масалалар моҳияти бирмунча англашилади. ХХСР тузилишининг дастлабки йилларида Хоразм воҳасидаги воқеликлар билан боғлиқ бир қатор мақолалар Марказий нашрларда[1], Туркистон АССР матбуоти ва ҳисоботларида[2] эълон қилинганига дуч келамиз. Ушбу нашрларда Туркистон ўлкасидаги ҳарбий ҳаракатлар, Хивада инқилоб ғалаба қозонгани, хон ҳокимияти тугатилиб, ўрнида Ёш хиваликлар фирқасининг етакчилари бошчилик қилаётган республика тузилгани, Хоразм воҳасида маҳаллий бошқарув, иқтисодий ҳаёт ва таълим соҳасида амалга оширилаётганислоҳатлар масаласига эътибор қаратилган эди.

Биргина 1922 йилда эълон қилинган нашрлар билан танишиб чиқадиган бўлсак, бир йил ичида Марказда[3] ва Туркистонда[4] ХХСР билан боғлиқ ўнлаб мақола, ҳисобот ва хабарлар чоп этилганига гувоҳ бўламиз. Ушбу нашрларнинг кўпчилиги рус тилида ёзилиб, асосий мақсад Туркистон ўлкаси, хусусан, Хоразмда юз бераётган ўзгаришлардан Марказдаги большевиклар ҳукуматини хабардор қилиб бориш бўлган. Шунин-

[1] К Хивинской революции // Жизнь национальностей, газ. 1920, №24; Катанов Н. Восточная хронология. «Известия Северо-Восточного археологического института этнографии Казани». т. 1, 1920. – С. 133–239; Кашкин К. Наш Юго-Восток. – Москва, 1920. – С. 59; Михайлов С. Хивинский фронт // Военная мысль, 1920, №1. – С. 249–252; Сафаров Г. Колониальная революция. Опыт Туркестана // Коммунистическая интернационал, 1920, №14. – С. 2759-2768; Скалов Г. Хива, туркмены и узбеки. Революция и ее перспективы // Коммунистическая мысль, 1920, №4-5. – С. 23-25; Хромых К. Созидание фронта революции в Средней Азии. Хорезмская республика // Военная мысль, 1920, №1. – С. 283–98; Шер Кутлы. Революционное движение в Хиве // Жизнь национальностей, 1920, №1. – С 5-10; Ризенкамов Г. Проблемы орошения Туркестана. Вып. 1. Оросительная хлопковая программа. – Москва, 1921. – С. 148; Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – Москва: Госиздат, 1921. – С. 147; Чекалин Н. События в Хорезмской республике (1921 г.) // Военная мысль, 1921, №1. – С. 227–29.

[2] Стенографический отчет 9-го Съезда советов Туркреспублики. 17 – 30 сентябрь. – Ташкент, 1920. – С. 209; Отчет отдела внешних сношений при Всесоюзной центральной избирательной комиссии по делам Туркестана за период 15 ноября 1919-15 февраля 1920 г // архив. Ф.2, оп. 1. д. 14345; Экономическое положение Хивы (По данным обследования, произведенного отделением Внешней Торговля в апреле 1920г // Народное хозяйство Туркестана, 1920, №31. – С. 16-19.

[3] Алфин М.Б., Съезд Хоразмской (Хивенской) коммунистической партии и Союза малоземельных и безземельных дехкан // Жизнь национальностей, 1922. - 22 марта; Бартольд В.В. История Туркестана. – Ташкент, 1922. – С. 50 // Труды Туркестанского Государственного Университета вып. 2; Басмачество Г. (Исторический эскиз к 5-й годовщине Октябрьской революции. а) Социальная природа басмачества. б) Основные этапы борьбы.) «Военный работник Туркестана» 1922, №8-9. – С. 25-35; Борисов Н. Октябрь в Туркестане, изд. Партотдела печати ЦК.КП. Туркестана. – Ташкент, 1922. – С. 13–25; Воззвание Туркестанского, Бухарского и Хорезмского правнтельств по поводу авантюры Энвер-паши // Жизнь национальностей», 1922, №14, (149). – С. 12; Дубянский В. Басмачи в Хорезме и роль их в Хивинской революции // Красная армия, 1922, №10-11. – С. 84–90; Жизнь национальностей. 1922. №11. – С. 2, 8, 22; Икул Кара. Туркмения и положение туркмен в Хорезме // Жизнь национальностей, 1922, №2(8); Икул Кара. В хорезмской Республике // Жизнь национальностей, 1922, № 5(134); Кара-Икул. Туркмения и положение туркмен в Хорезме (Хиве) // Жизнь национальностей, 1922, № 2 (8); Ко всем коммунистическим организациям Туркестана, Бухары и Хорезма. Обращение Средазбюро ЦК РКП о борьбе с английской интервенцией и агентом английского империализма Энвером // Коммунист, 1922, №3–4; Лавров Б. Сопредельные страны и наша внешняя торговля // Коммунист, 1922, №7-8. – С. 38–46; Майский И. Внешняя политика РСФСР. 1917 – 1922. – Москва, 1922. – С. 149–152; Сафаров Г. Проблемы Востока. – Ленинград, 1922; Севастьянов И. Вопросы водного хозяйства Туркестана // Коммунист, 1922, №7–8. – С. 28–37; Съезд Хорезмский (Хивинской) коммунистической партии и Союза малоземельных дехкан // Жизнь национальностей, 1922, №4(10).

[4] Зуев Д. Красная гвардия в Туркестана // Новый мир, Ташкент, 1922, № 6–7. – С. 113–122; Караш Хан Оглы, Местный суд. Караш Хан Оглы (Иомуд-Хан), Местный суд в Закаспийской области (народный суд). Историко-критический очерк, Ташкент, 1922; Материалы по районированию Туркестана. Вып. 1. Сборник статей по районированию Туркестана. Под ред. Председат. Д. Н. Красновского» Ташкент, 1922; Корженевский Н. Проф. Туркестан. Физико-географический очерк с картою. Туркестана. – Ташкент, 1922. – С. 76+1; Преречень главнейших неопубликованных статистических, архивных рукописных, ведомственных материалов и работ послуживших источниками при разработке отдельных вопросов. (66 назв. ) // Среднеазиатский экономический район. Очерки по экономике Средней Азии. Под ред. Ю. М. Пославского и Г. Н. Черданцева. – Ташкент, 1922. – С. 126–127; Скалов Г. Национальный вопрос в Хивинской революции. Джунаид-хан и Хивинская революция // Новый мир, Ташкент, 1922, №6-7. – С. 123–129; Сольц И. Англо-энварская авантюра и освобождение народов Востока // Коммунист, 1922, №3 - 4. – С. 5-9; Список авторов отдельных докладов, написанных по заданиям подкомиссии разрабатывавшей вопрос об экономическом единстве Средней Азии (57 назв.) // Средне Азиатский экономический район. Очерки по экономический Средней Азии. Под ред. Ю. И. Пославского и Г.Н. Черданцева. – Ташкент, 1922; Усатенко Б. Международные взаимоотношение Россия и Хорезма в 1813–1921. – Ташкент, 1922.

гдек, бундай ёндашувнинг замирида ушбу ҳукумат билан яқин алоқада бўлиб, асосий ходимларини рус тилли кадрлар ташкил этган туркистонлик большевиклар, уларга эргашган айрим маҳаллий аҳоли вакиллари, ўлкада коммунизмни ёйиш учун сафарбар қилинган турли касбдаги кишилар, шу жумладан, Совет ҳукуматининг таянчи бўлмиш Қизил Армия сафидаги ҳарбийлар жамоасини ХХСРда бўлиб ўтаётган жараёнлардан хабардор қилиш вазифасини ҳам ётар эди.

ХХСР билан боғлиқ нашрларнинг сезиларли бир қисми Хоразм воҳасида яшовчи маҳаллий аҳоли – ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар орасидаги алоқалар, миллатлараро муносабатлар, маҳаллий аҳоли орасидаги ўзаро зиддиятлар, Жунайидхон ҳаракати ва унинг сафдошлари, "босмачилар"нинг миллий таркиби, мақсади ва бошқа масалаларга қаратилган эди. Шунингдек, 1920- йилларнинг илк йилларида собиқ усмонли зобитларидан, Шарқда тараққийпарвар ва миллий ҳаракатлар йўлбошчиси сифатида танилган Анвар пошшонинг ўлкага келиши ва унинг Советларга қарши маҳаллий қуролли ҳаракатга қўшилиши бўйича ҳам бир қатор хабарлар чоп этилган эди. Большевиклар Анвар пошшонинг Туркистон ўлкасида, шу жумладан, ХХСР раҳбарлари орасидаги таъсиридан яхши хабардор бўлганликлари боис матбуот орқали унинг шахсини қоралашга ва маҳаллий аҳоли орасидаги нуфузини йўқотишга ҳаракат қилардилар.

Шу билан бирга, айрим нашрларда Хоразм воҳасидаги иқтисодий ҳаёт, бу ернинг хомашё манбаи сифатидаги аҳамияти, хусусан, ёш Совет ҳукумати учун иқтисодий жиҳатдан воҳанинг қанчалик муҳим эканини уқтирувчи бир қатор мақолалар ўрин олган бўлиб, улар орасида айримларининг айнан Хоразм пахтаси масаласига бағишланганини кўриш мумкин. Маълумки, Хива хонлиги даврида Хоразм воҳасида етиштирилган маҳсулотлар ичида пахтачилик алоҳида ўрин тутиб, бу ерда етиштирилган пахта хомашёси Чор Россиясининг завод ва фабрикаларига арзон нархларда сотилган бўлиб, Совет ҳукумати ҳам бу имкониятдан фойдаланиш пайида эди.

ХХСРнинг сўнгги йиллари - 1923-1924 йилларда чоп этилган нашрларнинг кўлами анча кенг бўлиб[1], газета ва журналларда ўрин олган мақола ва хабарларда, шунингдек, ҳисобот ва баёнотларда бу ердаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жамият ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳатлар масаласи ёритиб борилган. Жумладан, 1923 йилда нашр қилинган ишларга тўхталадиган бўлсак, ушбу йилда асосий эътибор Хоразм воҳасида маҳаллий аҳолининг ерга ишлов бериш анъаналари, сунъий суғоришдаги тажрибалари, ирригация иншоотлари, ХХСРнинг молиявий аҳволи, халқ хўжалигининг асосий хусусиятлари каби масалаларга бағишлангани сезилади.

1924 йил, яъни ХХСРнинг тугатилиши арафасида ёзилган мақолалар таркибига кўра турлича бўлиб, ҳам кўлам, ҳам хилма-хил мавзуларни қамраб олади. Айниқса, турли мавзуларда чоп этилган нашрлар – мақола, хабар, ҳисобот ва ҳоказоларнинг мазмунидан бир-икки йил олдин бошланган ҳаракат – Хоразм воҳасини мустақил давлат сифатида тугатилиб, унинг ҳудудини миллий мансубликларга қараб турли республикаларга тақсимлаш, бунинг учун маҳаллий ҳукумат вакиллари ва аҳолини тайёрлаб бориш, Марказ ва ХХСР, Туркистон АССР ва ХХСР ҳукуматлари орасидаги музокаралар, Хоразм воҳасининг иқтисодий салоҳияти, воҳадаги маҳаллий миллатлар орасидаги муносабатлар каби масалаларни қамраб олганига[2] гувоҳ бўламиз.

[1] Брилев. Основы национальных формирований // Красная казарма, 1923, №10(44). – С. 119 – 126; Виноградова А. Хорезмская Советская Народная Республика // Жизнь национальностей, 1923, №1. – С. 9–14; Гинцбург С. На басмаческих фронтах (Обзор военных действий с 1 января по 1 февралья 1923 г.) // Красная казарма, 1923, №3(7). – С. 197; За Советский Туркестан. Историко-политический и литературно-художественный сборник под ред. Г. Гейлера. – Ташкент. Военно-редакции совет Туркфронта, 1923, 2+124 с. (Пятая годовщина Красной армии. 23-февраля 1918 г. – 23-февраля 1923 г.); Зубрек К. Земледелие и ирригация Хорезма в связи с вопросом экономического объединения Средне Азиатских республик // Новый Восток, 1923, №3. – С. 208 – 219; Исаков Н. Хивинский оазис // Красная казарма, 1923, №5(9). – С. 166-170; Итоги летней кампании. (Обзор борьбы с басмачеством) // Красная казарма, 1923, №9(13). – С. 149; Левин А. Г. Финансы Хорезма // Новый Восток, 1923, №4. – С. 250–257; Маряк. Экономическое объединение Среднеазиатских республик // Красная казарма, 1923, №5(9). – С. 189–191; Майский И. Внешняя политика РСФСР 1917 – 1922. Москва, 1923. – С. 149–152; Материалы к 1-й экономической конференции Среднеазиатских Республик – Туркестанской, Бухарской и Хорезмской. Вып. 1–4. – Ташкент, 1923; Первая Экономическая конференция Среднеазиатских республик - Туркестана, Бухары и Хорезма 5-9 марта 1923 г // Стенографический отчет, бюллетень №1-6, Ташкент, 1923. – С. 84; Постановления 1-й экономической конференции Среднеазиатских республик – Туркестана, Бухары и Хорезма 5-9 марта 1923 г. – Ташкент, 1923. – С. 18; Скалов Г. Хивинская революция 1920 г. // Новый Восток, 1923, №3. – С. 12–15; Скалов Г. Экономическое объединение Среднеазиатских республик как фактор национальной политики // Жизнь национальностей, 1923, №5. – С. 36–38; Шейн. Профессиональное движение в Хорезмской Народной Советской Республике // Туркес. Рабоч., 1923, №6. – С. 22–24.

[2] Минкевич. Народное здравие в Хорезме // Народное хозяйство Средней Азии, №4. ноябрь. – Ташкент, 1924. – С. 6-21; Бегжан Назар. Национальные отношения в Хорезме // Народное хозяйство Средней Азии, 1924, №2-3. – С. 13–17; Берзин Р. Борьба с басмачеством. (Итоги за полугодие с ноября 23 г. по апреляель 24 г.) // Красная казарма, 1924, №17(21). – С. 5–10; Берзин. Военная кооперация на Туркестанском фронте // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №2-3, с.

1924 йилдаги нашрларнинг кўпчилигида асосий эътибор ХХСРдаги миллий масалаларга қаратилган бўлиб, воҳада яшовчи ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қозоқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, коммунистик руҳдаги миллий кадрлар тайёрлаш, ёшлар орасида коммунизм ғояларини ёйиш, воҳада давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар, "босмачилик"ка карши кураш, Хоразм ва Иттифоқ ўртасидаги муносабатлар ва хоказоларга қаратилган эди. Қизиғи шундаки, ХХСР тузилганига қарийб беш йилча вақт ўтганига қарамай воҳада маҳаллий кадрлар орасида коммунистик ғоялар ўз ўрнини тополганича йўк ва бу ҳолат Марказни анчагина ташвишга солиб қўйган эди. ХХСР ҳукумати тепасидаги раҳбарларнинг бир неча бор алмаштирилиши ҳам большевиклар кутганидек ҳар нарсани коммунизм йўлида қурбон қиладиган, миллати ва ватанини ўйламайдиган чинакам коммунистларни, айникса, ёшларни шу руҳда тарбиялашда хукумат арбоблари сусткашлик йўл қўяётган эди.

Ўз навбатида ХХСР ҳукумати вакиллари Россия билан тузилган келишувларға ишонган ҳолда бу ёш давлатини ўз истаклари бўйича барпо этишни орзу килиб, шу йўлдан оғишмасликка ҳаракат қилардилар. ХХСР раҳбариятининг большевиклар уларни қанчалик тизгинлашга уринмасин ўз миллий давлатини замонавий илғор жамиятга айлантириш учун бир қатор амалий ишларни оширганликлари бунинг исботидир. Шунингдек, ХХСРнинг Финляндия, Болтиқбўйи ўлкалари, Кавказдаги ёш республикалар, БХСР, ТАССР билан узвий алокаларни йўлга қўйганлиги, ёш кадрлар тайёрлаш масаласида мустақил ҳаракат қилиб, маҳаллий миллат вакилларидан бир нечасини Германия, Туркия каби давлатларга таҳсил олишга юбориши, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон давлатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни тиклашга интилиши[1] буларнинг барчаси ХХСР ҳукуматининг бирмунча эркин ва мустақил харакат килганидан дарак беради.

1924 йилда эълон қилинган нашрлар орасида ХХСРнинг иқтисодий масалаларига бағишланган мақола ва хабарлар ҳам анча кўпчиликни ташкил этади. Хоразм воҳасининг халқ хўжалиги ва сув таъминоти, суғориш ишлари, ерга ишлов бериш каби масалалар бўйича ҳам бир қатор мақолалар эълон қилингани диққатга сазовордир[2].

162–169; Болтаев К. Хоразмда ёш коммунистлар Союзининг аҳволи // Ўзгаришчи ёшлар, Тошкент, 1924, №5; Гинцбург С. Обзор военных действий на Туркфронте с 1 января по 1 марта 1924 года // Красная казарма, 1924, №13 (17). – С. 100; Гинцбург С. Обзор военных действий на Туркфронте с 1 марта по 1 апреля 1924 г. (Подпись С. Г.) // Красная казарма, 1924, №14(18), с. 89; Гринвалд Е.К. К вопросу о средствах связи Хорезма с Союзом. Народное хозяйство Средней Азии. №4 ноябрь -Ташкент, 1924. – С. 3-20; Гинцбург С. От деспотии к республике. История революционного движения в Хорезме // Красная казарма, 1924, №13(17). – С. 93–97; Гринвальд Е. К вопросу о средствах связи Хорезма с Союзом // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №4. – С. 164–171; Довят. Итоги летний кампании. (Обзор борьбы с басмачеством) // Красная казарма, 1924, №20(24). – С. 96–97; Ёкубов А. Хоразмда ёш пионерлар // Ўзгаришчи ёшлар, 1924, №7; Йомуд хан Караш хан огли. Зыкыр у туркмен Закаспийской области // Известия Туркестанского отдела русского географического общества, т. XVII, Ташкент, 1924. – С. 143-145; Кажанов Н. проф. Географическое распространение земледелия и животноводства в Средней Азии // Народное хозяйство Средней Азии, 1924, №2-3. – С. 178–187; Мелькумов А. Материалы революционного движения в Туркмении. 1904–1919 г. – Ташкент, 1924; Мельников М. Хоразмда комсомол // Ўзгаришчи ёшлар, 1924, №5; Мусаев Х. Хивада ёшлар ҳаракати // Ўзгаришчи ёшлар, 1924, №3-4; Отчет о деятельности Главного Хлопкового Комитета за время с 1-го июля 1922 г. по 1-е июля 1923 г. Москва, 1924. – С. 119; Материалы Курултая Казахско-Каракалпакской автономной области Хорезмской республики, 17-19 сентября 1924 г // ЦГА РУз, ф.71, оп.1, д.130, л. 111-25; Революционный календарь. Апреля (27 апреля. 1920 г. Хива объявлена (на 1 съезде Советов Хивы) Хорезмской Советской Республикой) // Красная казарма, 1924, №14(18); Рязанов А. Набеги хивинцев и туркмен в Киргизскую степь 1848 г. По архивным данным // (Труды о-ва изуч. Кир г. Края. Вып. У1, 1924). – С. 1–22; Басмачество в Хорезме. Беседа. (Агитпром Путурка) // Красная казарма, 1924, №14 (18). – С. 47–49.

[1] Саидов Ш.Д. ХХСРнинг ташқи савдо муноабатларида Шўро Россиясининг мустамлакачилик сиёсати // Ўзбекистон тарихи. 1999, №3. – Б. 27-34.

[2] Петлин В. Налоги в Хорезме при хана и теперь // Народное Хозяйство Средней Азии, №1 август –Ташкент, 1924. – С. 7–33; Петлин В. Налоговое дело в Хорезме // Народное Хозяйство Средней Азии, №2-3 сентябрь-октябрь. – Ташкент, 1924. – С. 2–20; По Херезмской республике. Хроника // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №2-3. – С. 223–224; Понятовский С. Хлопковая компания 1924 – 25 года // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №1. – С. 36–45; Тромбачев С. К вопросу водообеспечения южного Хорезма // Вестник Ирригации, 1924, №7. – С. 3–13; Ходоров И. Конъюнктурный обзор народного хозяйства Средней Азии. За май – июнь // Народное хозяйство Средней Азии, 1924, №1. – С. 24–33; Хозяйственный план Хорезмской народной советской республики на 1923-24 г. – Ташкент, 1924. – С. 31-32; Янчур П. Некоторые результаты изысканий в Южно-Хорезмском оазиса // Вестник ирригации, 1924, №12. – С. 77–84; Астахов П. Перспективы заготовки сырья в Средней Азии в 1924–25 г // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №4. – С. 76–85; Балешев Н. Экономическая география Средней Азии. – Ташкент, 1924, с. 74; Загороднев. К проблеме механизация сельского хозяйства в Хорезме // Народное хозяйство Средней Азии, 1924, №2-3. – С. 79 -82; Иванов П. Снабжение товарами Хорезма // Народное зозяйство Средней Азии, 1924, №4. – С. 65 – 69; Бюджет и хозплан Хорезмской республики // Народное хозяйство Средней Азии, 1924, №2-3. – С. 212–215; Бюллетень 2-й Средне-Азиатской экономической конференции. 29-30 апреляель, 1924 г. №1-4, 101 с.; Второй Средне-Азиатский сельско-хозяйственный съезд. 15-23 февраля 1924 г. (Под ред. С. П. Тромбачева ). – Ташкент, 1924. – С. 95; Загороднев. К проблеме механизации

1924 йилда марказий ва маҳаллий матбуотда асосий эътибор Ўрта Осиёда миллий чегараланишни амалга ошириш масалаларига қаратилган бўлиб, бу масала ХХСРни ҳам четлаб ўтмади. Хусусан, ўша йили чоп этилган ўнлаб нашрлар билан танишиб чиқиш шундан дарак берадики, бу масалада олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари нафақат минтақадаги Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги, балки Москва ва Ленинграддаги кундалик матбуот саҳифаларини эгаллаган эди[3]. Ўрта Осиёдаги маҳаллий анъаналарни яхши билмаган ва Марказдан туриб минтақа халқларини келажагини ҳал қилишга одатланган большевиклар ҳукумати "бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил" сиёсатини қўллаб, асрлардан бери ёнма-ён ва аралаш яшаб келган Туркистон халқларини бир-биридан узоқлаштириш мақсадида гуёки миллий республикалар тузиш шиори остида миллий чегараланиш ишларини бошлаб юборади.

Бу ҳаракат ХХСР учун кутилмаган оқибатларга олиб келади. Асрлар бўйи Хоразм воҳасида яшаб келган турли эл-улуслар вакиллари янги ташкил этиладиган миллий республикаларга – Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АО тақсимланиб, улар орасидаги қардошлик риштaларига путур етказишга уриниш натижасида нафақат иктисодий хаёт ва халк хўжалиги, балки маданий қадриятлар ҳам зарар кўради. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Марказнинг қанчалик уринишларига қарамай, Туркистон АССР, ХХСР ва БХСР замирида Ўзбекистон АССРни тузган бир қатор маҳаллий арбоблар, хусусан, ўзбек халқига мансуб сиёсий арбоблар, ҳукумат вакиллари ва зиёлилар бу масалада ўзларининг позициясида қатъий туриб, янги давлатчилик жараёнини бошлаб бердилар. Туркистон АССРнинг маркази бўлмиш Тошкент шаҳрида фаолият юритган маҳаллий ҳукумат вакиллари Марказдаги большевикларнинг ХХСРни тақсимлаш режасидан хабардор бўлгач, зудлик билан ҳаракатга кечиб, ушбу ёш республикага ўз вакилларини, зиёлиларни юбориб, Хивадаги маҳаллий ҳукумат вакиллари билан кенгашган ҳолда бу масалада маҳаллий аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юбордилар.

Хуллас, ХХСР даврида, яъни 1920-1924 йиллар орасидаги қисқа бир даврда яратилган адабиётлар кўламига назар ташласак, қисқа бир вақт оралиғида анчагина амалий ишлар амалга оширилгани, эски тузумдан янги тузумга ўтиш даври бошланиб, миллий республика қуриш йўлида бир қатор эзгу ишлар авж олдириб юборилгани, бироқ бу каби ишлар жуда мураккаб бир даврга тўғри келгани ва хоразмлик тараққийпарвар кучларнинг ўзлари истаганидек ҳаракат қила олмаганликлари кўзга ташланади. ХХСР тарихшунослигининг биринчи босқичи бўлган бу даврда асосий адабиёт вазифасини даврий матубот - газета ва журналлар таъминлаб, уларда мунтазам равишда Хоразм воҳаси билан боғлиқ мақола, хабар, ҳисобот ва баёнотлар ўрин олгани диққатни ўзига тортади.

Ушбу нашрларнинг мутлоқ кўпчилик қисми рус тилида бўлиб, уларнинг сезиларли бир қисми Марказ (Москва) ва Туркистон ўлкасининг маркази бўлмиш Тошкентда чоп этилгани, кичик бир қисми эса Хоразм матбуотига тегишли эди. Бу даврда маҳалий ўзбек ва туркман зиёлиларининг ХХСР бўйича чоп эттирган ишлари жуда озчиликни ташкил этади. Агар ТАССР ва БХСР матбуоти билан солиштирилса жуда кам бўлиб, бу ҳолат воҳада миллий матбуот анча суст ривожлангани билан алоқадор эди. Шу билан бирга, ХХСР даврида воҳадаги мураккаб вазият – бир томондан Ёш хиваликлар билан хонлик тузуми тарафдорлари орасидаги тўкнашувлар, иккинчи томондан большевиклар қўйган оғир талаблар қуршовида қолган ХХСР ху-

---

сельского хозяйства в Хорезме Народное хозяйство Средней Азии №2-3, сентябрь-октябрь. Ташкент, 1924. С. 5-19.

[3] Буров М. Экономическая сторона проблемы национального размежевания Средней Азии // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №2-3. С. 18 25; Карклин О. О национальном размежевании Средне-Азиатских республик // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №1, с. 1–4; Ликвидация Средне-Азиатского экономического Совета. Организация Средне-Азиатского ликвидационного комитета. О снабжении хлебом Хорезма (и др. хроникальные заметки) // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №4, с. 209-218; Материалы по районированию Туркестана. Под ред. Пред. Выш. П. проект Административно – хозяйственного деления ТССР. – Ташкент, 1924. – С. 165; Постановление (3-й чрезвычайной сессии). Центр. Исполн. Ком-та Туркестанской Автономной Советской Социалистической республики 16 сентября 1924 года (о выхода из состава ТАССР узбекского народа, туркменского народа, киргизского народа, каракиргизского народа и таджикского народа и об образовании национальных республик) // Стенографический отчет 3-й чрезвычайной сессии ТурЦИКа 15 16 сентября 1924 г. Ташкент, 1924. С. 32 33; Ходжаев Ф. Вопросы национально территориального размежевания Совстской Средней Азии // Коммунистический интернационал, 1924, №8(37). – С. 217–236; Семенов А. К проблеме национального размежевания Средней Азии (Историко-этнографический очерк) // Народное Хозяйство Средней Азии, Ташкент, 1924, №2-3. – С. 26–40; На историческом рубеже. Сборник о национальный Государственный Размежевании Средней Азии. – Ташкент, 1924. – С. 171; Национальное размежевание Средней Азии. 1) Заседание второй сессии ВЦИК 14 октября. 1924 г. 2) Заседание второй сессии ЦИК СССР 24 октябряября 1924 г // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №4. – С. 187–208; Обращение (3-й чрезвычайной сессии) ЦИК Туркестанской Автономной Советской Социалистической Республики ко всем народам Туркестана и Средней Азии // Стенографический отчет III- й чрезвычайной сессии Турцика 15-16 сент. 1924 года. – Ташкент, 1924. – С. 34–37; Основанные положения оструктура госаппарата ХССР. (и др. хроникальные заметки) // Народное хозяйство Средней Азии, 1924, №1. – С. 55–60.

кумати вакиллари Совет ҳукумати билан тузилган шартномадан унумли фойдаланиш, асосий эътиборни ўз миллий давлатини сақлаб қолиш, издан чиққан халқ хўжалигини қайтадан тиклаш, ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, миллий кадрлар етиштириш, таълим соҳасини янгилаш каби бир қатор масалалар билан банд эди.

ХХСРдаги жараёнлар бутун Туркистон ўлкаси жамоатчилигини ҳам бефарқ қолдирмади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва яна бир қатор шаҳарлардаги миллий матбуотда Хоразм воҳасида юз бераётган ўзгаришлар мунтазам равишда ёритиб борилди. Маҳаллий ҳукумат ва бир гуруҳ маърифатпарвар зиёлилар томонидан чоп этилган газета ва журналларда ХХСРда содир бўлаётган воқеликларга ўз вақтида муносабат билдириб борилди.

ХХСР ҳаётини Марказдан туриб кузатаётган ёки воҳада фаолият кўрсатаётган большевиклар эса Хоразмда бўлаётган воқеликларни бирёқлама ёритиб, дунё жамоатчилигига гўё ХХСР билан Совет ҳукумати тенг шартлар остида иттифоқчилик қилаётгани, Шарқ халқлари орасида ушбу давлат илк мустақил демократик давлат сифатида ўзини намоён қилгани, маҳаллий халққа ўз бошқарувини ўзлари белгилаш ҳуқуқи берилгани эълон қилиниб, бу ердаги қуролли ҳаракатлар қоралаб кўрсатишга тиришилди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Саидов Ш.Д. ХХСРнинг ташқи савдо муносабатларида Шўро Россиясининг мустамлакачилик сиёсати // Ўзбекистон тарихи. 1999, №3. Б. 27-34.

2. Второй Средне-Азиатский сельско-хозяйственный съезд. 15-23 февраля 1924 г. (Под ред. С. П. Тромбачева ). – Ташкент, 1924. – С. 95;

3. Загороднев. К проблеме механизации сельского хозяйства в Хорезме Народное хозяйство Средней Азии №2-3, сентябрь-октябрь. – Ташкент, 1924. – С. 5-19.

4. Буров М. Экономическая сторона проблемы национального размежевания Средней Азии // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №2-3. – С. 18–25;

5. Карклин О. О национальном размежевании Средне-Азиатских республик // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №1, с. 1–4;

6. Ликвидация Средне-Азиатского экономического Совета. Организация Средне-Азиатского ликвидационного комитета. О снабжении хлебом Хорезма (и др. хроникальные заметки) // Народное Хозяйство Средней Азии, 1924, №4, с. 209-218;

7. Материалы по районированию Туркестана. Под ред. Пред. Вып. II. проект Административно – хозяйственного деления ТССР. Ташкент, 1924. С. 165;

8. Ходжаев Ф. Вопросы национально – территориального размежевания Советской Средней Азии // Коммунистический интернационал, 1924, №8(37). – С. 217–236;


# АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТ МАСАЛАЛАРИ


**ХОЛОВА ШАҲНОЗА**
*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси,*
**АБРОР АКРАМОВ**
*Кўғирчоқ театри актёрлик санъати йўналиши 3 босқич талабаси*



**Аннотация:** *Ушбу мақолада буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларида комил инсон тарбияси, жисмоний камолат масалалари ҳамда хозирги пайтда жуда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келаётган жисмоний ва маънавий баркамол инсон тарбияси муаммолари ҳақида мулоҳазалар юритилган.*



**Калит сўзлар**: *Алишер Навоий, жисмоний камолот, саломатлик, комил инсон тарбияси*



**Аннотация:** *В данной статье приведены великие мысли Алишера Наваи о воспитании совершенного человека. Также в различных аспектах рассмотрены актуальные проблемы и вопросы воспитания духовно богатого и физически совершенного поколения в современном обществе, используя литературное наследие великого Алишера Наваи*

*Чариев Т.* ҚАШҚА ВОХАСИНИНГ МАДАНИЯТ ЎЧОГИГА АЙЛАНИШИДА АМИР ТЕМУРНИНГ РОЛИ. (МОЗИЙ САҲИФАЛАРИ.) ....77
*Чариев Т, Турсунова Ф.* АМИР ТЕМУРНИНГ ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ ....84
*Абдулаҳатов Н.* МАРҒИЛОН ВАҚФЛАРИ ....86
*Рашидова Н.* СПОСОБЫ ЗАИМСТВОВАНИЯ АРАБИЗМОВ СФЕРЫ ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ....90
*Alimova Sh.* NAQSHBANDIYA TARIQATI VA UNING ISLOM SIVILIZATSIYANI RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNI ....93
*Ахатов Л.* ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ ....96
*Ахмедова Ф, Кадирова Х.* МЫСЛИТЕЛИ ВОСТОКА О ВОПРОСАХ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИЧНОСТНЫХ КАЧЕСТВ МОЛОДЁЖИ ....99
*Абдухамидов И, Абдухамидова Э.* АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БОРАСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ ....102
*Икрамова И.* ФОРОБИЙ ВА ИБН РУШД ДИН ВА ФАН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР БОРАСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ....105
*Ахатова Д.* АБУ АЛИ ИБН СИНО ФАЛСАФИЙ ВА ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ....107
*Бўронов А.* ОЛТОЙ ХАЛҚ ЭТНОСЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЛЕКСЕМАЛАР ҚИЁСИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ....109
*Рахимов Н.* ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕРПУБЛИКАСИНИНГ 1920-1924 ЙИЛЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИ ....114
*Холова Ш, Акрамов А.* АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТ МАСАЛАЛАРИ....119
*Toshpo'latova N.* ALISHER NAVOIYNING "ARBA'IN" ASARIDA INSON KAMOLOTIGA HOS BO'LGAN EZGU FAZILATLARNING NAMOYON ETILISHI ....121
*Арзибиева З.* БАХШИ САНЪАТИ АНЪАНАСИ РИВОЖИ ....124
*Tojiboyev M, Yunusova D.* ABU ALI IBN SINONING TA'LIM-TARBIYA TO'G'RISIDAGI G'OYALARIDA JISMONIY TARBIYA MASALALARI....126
*Сапрынская Д.* МУСУЛЬМАНСКАЯ ОБЩИНА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ТЮРКСКАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ИДЕНТИЧНОСТЬ ПОСЛЕ РАСПАДА СССР. ....128
*Романенко М.* СУФИЗМ В ЭПОХУ ШЕЙБАНИДОВ ....131
*Имамов А.* АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ "САБЪАИ САЙЁР" ДОСТОНИДА "МОНИЙ СУРАТГАР" ОБРАЗИ ВА ПОРТРЕТ ЖАНРИ ТАЛҚИНИ ....135
*Тогаева А.* ЎЗБЕКИСТОНДА ШАҲАРЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРГА МУНОСАБАТ МАСАЛАЛАРИ (1950–1990 йиллар)....138
*Тошниёзова Р.* АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ҚАЛБ МАЪРИФАТИ ....141
*Казакова М.* АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ "КОМИЛЛИК ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШДИР" ФАЛСАФИЙ ҚАРАШИНИНГ ТАЪЛИМИЙ ТАҲЛИЛИ....144
*Qurbonova E.* POK ISHQINI QO'LGA OLDIM....146
*Наимов И.* АҲМАД ДОНИШНИНГ РУС ЗИЁЛИЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИГА ТАЪСИРИ ....151
*Юлдашев А.* АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ МОСКВАДАГИ ТАЪЛИМИГА ДОИР МАНБА ....154
*Мухиддинова М.* АМИР ШОҲМУРОД ДАВРИДА САМАРҚАНД ....157